



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI UMUMIY
VA NOORGANIK KIMYO INSTITUTI**

«KIMYO VA KIMYOVIY TEXNOLOGIYA YO'NALISHIDAGI DOLZARB MUAMMOLAR»

**RESPUBLIKA MIQYOSIDAGI YOSH OLIMLAR UCHUN TASHKIL ETILAYOTGAN ONLAYN
ILMIY VA ILMIY-AMALIY ANJUMANI**



Toshkent, 2021 yil 20-21 dekabr

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR
AKADEMIYASI UMUMIY VA NOORGANIK
KIMYO INSTITUTI**

**«KIMYO VA KIMYOVIY TEXNOLOGIYA
YO'NALISHIDAGI DOLZARB MUAMMOLAR»**

mavzusidagi respublika anjumanining

**MATERIALLARI
TO'PLAMI**

TOSHKENT 2021 yil

20-21 dekabr

Шохакимова А.А. ИССЛЕДОВАНИЕ ПОЛУЧЕНИЯ ЧИСТОГО ФУРФУРОЛА МЕТОДОМ ХРОМАТО-МАСС-СПЕКТРОМЕТРИИ.....	344
Яхьяев Н.Ш., Мухторов Н.Ш. УСЛОВИЯМ ОБРАЗОВАНИЯ И АГРЕГАТНЫЕ СОСТОЯНИЕ НЕФТЕСОДЕРЖАЩИХ ОТХОДОВ.....	346
Бекбутаева Н.Н. ИЗВЛЕЧЕНИЕ МОЛИБДЕНА ИЗ СЕРНОКИСЛЫХ МАТОЧНЫХ РАСТВОРОВ ИОНООБМЕННЫМИ СМОЛАМИ А-100Мо И S-957 PUROLITE	348
Юсупов С.К., Юсупов Ф.М., Ёдгоров Н., Байматова Г.А. ИЗВЛЕЧЕНИЕ ЦЕННЫХ МЕТАЛЛОВ ИЗ БУРЫХ И КАМЕННЫХ УГЛЕЙ.....	350
Ахмедов У.К. СОЗДАНИЕ МОНОМЕР - ПОЛИМЕРНЫХ КОМПОЗИЦИЙ НА ОСНОВЕ ТЕХНИЧЕСКОГО ВОДНОГО РАСТВОРА АКРИЛАМИДА.	351
Аймурзаева Л.Г., Ахророва Р.О, Жумаева Д.Ж., Эшметов И.Д. ПРОЦЕСС ОЧИСТКИ СТОКОВ С ПОМОЩЬЮ АДСОРБЕНТА РЕАГЕНТА АПАК	354
Рахматуллаева Н.Т., Абдурахимов А.Х., Охунжонов З.Н., Жумаева Д.Ж. ИК-СПЕКТРЫ АДСОРБЕНТОВ НА ОСНОВЕ ДРЕВЕСИНЫ	355
Мирзаев Б.А., Сабиров Б.Т. ВАУШ КОНИ ДОЛОМИТИНИНГ КИМЁВИЙ-МИНЕРАЛОГИК ТАРКИБИ ВА УНИ САНОАТДА МАГНИЙ ТАРКИБЛИ ХОМ АШЁ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	358
Шарипов Ш.Ф. Мирзаев Б.А. МИНЕРАЛЬНЫЕ СОЛИ ОЗЕРА ЛЯВЛЯКАН В ЦЕНТРАЛЬНЫХ КЫЗЫЛКУМАХ.....	359
Зиёдуллоев Г.Ш., Мирзаев Ж.А., Мирзаев Б.А. ГЕОЛОГИЧЕСКАЯ, ГЕОФИЗИЧЕСКАЯ И ГИДРОГЕОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКИ МЕСТОРОЖДЕНИЯ ЮЖНЫЙ СУГРАЛЫ.....	363
Курбонова Ш.Р., Мирзаев Б.А., Сабиров Б.Т. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КАРБОНАТА КАЛЬЦИЯ - ПОБОЧНОГО ПРОДУКТА РАЗЛОЖЕНИЯ ДОЛОМИТА В ПОЛУЧЕНИИ КАМЕННОЙ БУМАГИ	366
3-ШЎБА: СИЛИКАТ ВА ЮҚОРИ ХАРОРАТЛИ МАТЕРИАЛЛАР КИМЁСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ	368
Эминов А.М., Эминов А.М., Жабберганов Ж.С., Дўсчанов С.Қ. КУЛАТАУ ГИЛИ АСОСИДА КЕРАМИК КОШИНЛАР ОЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ.....	368
Бойжанов И.Р., Мухамедбаев А.А., Дўсчанов С.Қ., Машарипова Х.Ф., Алламов Р.Г. МЕШКЛИ КОНИ МЕРГЕЛИ ЦЕМЕНТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН ҚИММАТЛИ ХОМ-АШЁ	369
Ботиров Б.Б. ПЕРСПЕКТИВНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КЕРАМИЧЕСКОГО БОЯ В ЦЕМЕНТНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ.	371
Кодирова З.Р., Кадирова У.А. ПЕРСПЕКТИВЫ КЕРАМИЧЕСКИХ ПИГМЕНТОВ	372
Бегжанова Г.Б., Атабаев Ф.Б., Ботиров Б.Б., Якубжанова З.Б., Махсудова Н.Дж., Мухиддинов Д.Д. СОВМЕСТНАЯ РАЗРАБОТКА “ЗЕЛЕННЫХ” КОМПОЗИТОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ЗОЛОШЛАКОВОЙ СМЕСИ ЭНЕРГЕТИКИ И ШЛАКОВ МЕТАЛЛУРГИИ.....	374
Эминов А.М., Курязов З., Бабаев З.З. ЛЕГКОПЛАВКИЕ ИЛИ В ПРОИЗВОДСТВЕ КЕРАМИЧЕСКИЕ СТЕНОВЫХ МАТЕРИАЛОВ	376
Махсудова Н.Д. ПРИМЕНЕНИЕ ЗОЛОШЛАКОВЫХ ОТХОДОВ ГИДРОУДАЛЕНИЯ ТЭС В ЦЕМЕНТНОМ ПРОИЗВОДСТВЕ	377
Ниязова Ш.М. ВЛИЯНИЕ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКИХ ОТХОДОВ НА ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА МИНЕРАЛЬНЫХ ВОЛОКОН	379
Казакова М.Н. АРВАТЕН БАЗАЛТ ТОШЛАРИ АСОСИДА МИНЕРАЛ ТОЛАЛАР ОЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ	380

МЕШКЛИ КОНИ МЕРГЕЛИ ЦЕМЕНТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН ҚИММАТЛИ ХОМ-АШЁ

*И.Р.Бойжанов, т.ф.н.,доц., УрДУ “Кимёвий технологиялар” кафедраси докторанти,
b.islom@rambler.ru*

*А.А.Мухамедбаев, т.ф.н.,доц., “ANTENN-BRANCH” МЧЖ илмий-изланиш корхонаси
директори*

*С.Қ.Дўсчанов, УрДУ “Кимёвий технологиялар” кафедраси мустақил изланувчиси,
sduschanov@bk.ru*

Х.Ф.Маширипова, УрДУ “Қурилиш” кафедраси стажер ўқитувчиси, info@urdu.uz

*Р.Г.Алламов, УрДУ “Кимёвий технологиялар” кафедраси таянч докторанти,
sduschanov@bk.ru*

Маълумки, кўпчилик мергеллар ўзини гилнинг доломит ёки оҳактош билан аралашмаси (гипс кўшимчаси билан) сифатида намоён қилади. Оҳакли мергел – цемент ишлаб чиқариш учун асосий хом-ашёлардан бири ҳисобланади. Шунингдек табиатда асосий қисми гил ёки силикатлардан иборат гилсимон мергеллар ҳам учрайди.

Ушбу ишнинг мақсади силикат саноати учун янги бўлган Мешкли кони мергелини физик-кимёвий характеристикаларини ўрганиш ва уни цемент композицияларини яратишда ишлатишга яроқли эканлигини аниқлашдан иборатдир.


Макроскопик кўриниши жиҳатидан Мешкли кони мергели намуналари яшил рангда бўлиб, сарғиш ва жигарранг доғларга эга, майин дисперсли кальцит ва гилсимон минераллар ҳамда алевроит кварц доначаларидан ташкил топган зич жинсдан иборатдир.

Кимёвий таҳлил натижаларига кўра Мешкли кони мергели бир жинсли кимёвий таркибга эгадир. Текширилаётган намуналарни кимёвий таркиби 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Мешкли кони мергели кимёвий таҳлили натижалари

SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	SO ₃	TiO ₂	Na ₂ O	K ₂ O	К.К.М.
34,1	8,75	2,85	23,62	1,51	0,38	0,45	1,42	2,07	24,91



1.Расм. Мешкли кони мергели HDSC эгри чизиғи

Текширилаётган намуналарни юқори температурада киздириш жараёнида оғирликни йўқотилиши ва энергия ажралишини ифодаловчи TG ва HDSC эгри чизикларида, тўртта давр кузатилади. Биринчи давр, 95°C даги кучсиз эндоэффект гигроскопик намликни йўқотилиши билан боғлиқ. 100-230°C и 240-290°C температуралар оралиғидаги, мос равишда 140°C ва 270°C да максимумларга эришувчи экзоэффектларга эга иккинчи ва учинчи даврлар органик бирикмаларни ёниши ҳамда икки валентли темир бирикмасини оксидланиши билан боғлиқ. 670-720°C температуралар оралиғидаги ва 710°C да максимумга эришувчи тўрттинчи даврдаги эндоэффект эса мергел таркибидаги кальцитни парчаланиши ва гилсимон минераллар таркибидаги боғланган сувни ажралиб чиқишидан далолат беради (1-расм).

Рентгенографик таҳлил натижаларига кўра Мешкли кони мергели таркибида куйидаги минераллар: кальцит $d=0,384; 0,333; 0,302; 0,248; 0,208; 0,227; 0,191; 0,187$ нм, кварц $d=0,425; 0,245$ нм, монтмориллонит $d=1,319$ нм, гидрослюда минераллари $d=0,504; 0,497; 0,447; 0,370$ нм, шунингдек каолинит ва гематит қўшимчалари борлиги аниқланди.

Шундай қилиб, комплекс текширувлар натижасида Мешкли кони мергели минералогик таркибига кўра асосан гилсимон минераллар ва кальцитли жинсдан ташкил топган бўлиб, кварц, гематит ва бошқа қўшимчалардан иборатдир.

Юқоридагилардан хулоса сифатида ушбу Мешкли кони мергелини портландцемент ва бошқа цемент маҳсулотлари ишлаб чиқаришда осон туйиладиган

комплекс шихта компоненти сифатида ишлатиш имконияти мавжудлигини айтиш мумкин.